



Ўзбекистон Республикаси  
Хуқуқни муҳофаза қилиш  
АКАДЕМИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ ОҚИБАТИДА  
ЖАБРАНГАНЛАРГА ТЕЗ ТИББИЙ  
ЁРДАМ КЕЛГУНЧА БИРИНЧИ ТИББИЙ  
ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

# ЭСЛАТМА



Тошкент - 2024 йил



## ЖАБРЛАНУВЧИГА ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ЕТИБ КЕЛГУНЧА УНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАШ УЧУН МУҲИМ ТЎРТТА ҚОИДА:



1. Энг муҳим қоида — хавотир олманг! Чуқур нафас олиб, ҳаракатлар кетма-кетлигини эсга олинг. Ёдда тутинг – мулоҳазасиз ва шошилиш ҳаракатлар тузатиб бўлмайдиган хатоларга олиб келиши мумкин.

2. Ҳаракатни бошлашдан олдин, албатта, ҳушидан кетган жабрланувчининг ҳолатини баҳоланг. Фақат уйқу артериясида пульс борлигини аниқлагандан кейин уни қорнига оғдириш мумкин.

3. Фақат ишончли ҳаракатлар ва аниқ буйруқлар вазиятни назорат остида тутишга ёрдам беради. Бу ёрдамчиларни тез топиш ва уларнинг ҳаракатларини тез мувофиқлаштиришга имконият беради.

4. Агар сиз жабрланувчи билан якка ўзингиз қолсангиз, тушкунликка тушманг! Энг муҳими — унда пульс борлигини аниқлагач, қорнига оғдиришдир. Ҳеч бўлмаганда ушбу ҳолатда сиз энг зарур ишни қилган бўласиз.





## ҲУШИДАН КЕТГАН ЖАБРЛАНУВЧИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ:

1. Уйқу артериясининг пульсини ва кўз қорачиғининг ёруғликка бўлган реакциясини текширинг.
2. Жабрланувчини тезлик билан қорнига оғдиринг.
3. Оғизни рўмол ёки салфетка ёрдамида тозаланг.
4. Қон кетиш ҳолатида қонни тўхтатувчи жгутларни қўйинг.
5. Яраларга стерилли бандажлар қўйинг.
6. Суякларнинг синиши ҳолатида шиналар қўйинг.
7. «Тез ёрдам» чақиринг.



## БОШ-МИЯ ЖАРОҲАТИ ВА КОМА ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА



Жабрланувчи ҳушсиз бўлади (унда воқеаларга, овоз ва оғриқ сигналларига нисбатан реакция бўлмайди):

- кулаганда ёки бош билан урилганда;
- бош қисмининг юмшоқ тўқималарида жароҳат ёки яралар борилигида;
- қисқа ҳушдан кетиш ва жароҳатдан кейин кўнгил айнаши ёки қусиш ҳолатида.

## ЁДДА ТУТИНГ!



1. Бундай ҳолатларда жабрланувчи бошининг остига ёстиқ қўйилганда бу ҳақиқий ўлимга олиб келиши мумкин.
2. Жабрланувчи осмонга қараб ётган ҳолатда тил орқа томонга ёпишиб, ҳавони ўтказмайдиган ҳолатга келади.
3. Кўп ҳолларда жабрланувчилар ўз тили туфайли бўғилиб вафот этади.
4. Кома ҳолатида осмонга қараб ётиш ўта хавфлидир.



### КОМА ҲОЛАТИДА ЖАБРЛАНУВЧИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТЕЗКОР ЧОРАЛАР:

Уйқу артериясида пульс мавжудлигини текшириш;  
Жабрланувчини қорнига оғдириш.

### ТРАВМАТИК ШОК

Шок – бу организмнинг тирик қолишга қаратиладиган бир қатор реакцияларидир.

### ШОК БЕЛГИЛАРИ:

Терининг кескин оқариши;  
Эмоционал ва ҳаракатли қўзғалиш;  
Ҳолатни ва ўз ҳолатини ноадекват баҳолаш;  
Оғир жароҳатларда оғриқларга шикоят йўқлиги.

### ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА КОМА ҲОЛАТИГА ТУШИШНИ ТАХМИН ҚИЛИШ МУМКИН?

Ҳушдан кетиш 4 дақиқадан ортиқ давом этса, аммо уйқу артериясида пульс сақланса;

Нафас олиш жараёнида хириллаш овози сезилса.

### КОМАНИНГ ИЛК ДАҚИҚАЛАРИДА ЎЛИМ САБАБЛАРИ:

Ўз тили билан бўғилиш;

Тупук, қон ёки ошқозон ичидаги суюқликнинг нафас йўллариغا тиқилиши (аспирация).





## ШОКНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИГАН ЖАРОҲАТЛАР:

Қўл-оёқларнинг узилиши ёки  
жароҳатли ампутация;  
Қўл-оёқларнинг очиқ синишлари;  
Тос суяги ёки умуртқа поғонасининг



## ТАЪҚИҚЛАНАДИ!

Ярадаги ёт жисмларни олиш ёки шокни олдини олиш мақсадида  
спиртли ичимликлар бериш;

Организмга қадалиб кирган жисмларни тўғирлаш ёки олиб ташлаш;

Очиқ синишда суяк қисмларини бирлаштириш;

Қорин қисмига санчилиб кирган яраларда жабрланувчига ичиш учун суюқлик  
бермаслик.



## ТРАВМАТИК ШОКДА БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ СХЕМАСИ:

Қон кетганда жгутлар билан тўхтатиш;  
Қўл-оёқ, тос ва қовурғаларнинг  
синишларида, кўкрак қафаси ва қорин  
бўшлиғи яралари мавжуд бўлганда  
оғриқсизлаштириш чораларини кўриш;

Яраларни тозалаш ва стерилли  
бандажлар қўйиш;

Транспортировка шиналарини қўйиш;  
«Тез ёрдам» чақириш.

## Э С Л А Т М А !



Жабрланувчини оғдириш ёки кўчириш учун камида уч киши (ҳеч  
бўлмаганда икки киши) томонидан амалга оширилиши керак. Ёдда  
тутинг! Қўшимча жароҳатларни олдини олиш мақсадида  
жабрланувчини горизонтал ҳолатда кўчириш лозим, бўйин ва бел  
қисмларини букланиб қолинишидан сақлаш керак.





## АРТЕРИАЛ ҚОН КЕТИШНИ ТЎХТАТИШ ЧОРАЛАРИ

Жароҳатланган тана қисмини максимал буклаб, артериал босимининг тушиб кетишини тўхтатиш. Бундай ҳолатларда, бўғиннинг эгилишига қарши бинтдан ёки бошқа материалдан ўралган қалин рулонни қўйиш керак. Ўз навбатида ортиқча босимнинг вужудга келишини олдини олиш зарур.



### КЛИНИК ЎЛИМНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Хушдан кетиш;  
Кўз қорачиғида ёруғликка реакциянинг йўқлиги;  
Уйқу артериясида пульси йўқлиги.

### КЛИНИК ЎЛИМ ҲОЛАТИДА ЖАБРАНУВЧНИ ҚУТҚАРИШДА АСОСИЙ УЧТА ҚОИДА:



Клиник ўлим ҳолатидаги инсон ҳаётини сақлаб қолиш уни биринчи бўлиб аниқлаган инсон қўлида бўлади. Бундай ҳолларда шифокорнинг, ўқувчининг ёки қутқарувчининг ҳаракатлари бир хил. Асосийси ёрдам бераётганда чўчимаслик керак. Ҳаётни сақлаб қолишда вақтида биринчи ёрдам бериш муҳимдир.

## КЛИНИК ЎЛИМ ҲОЛАТИДА ЁРДАМ СХЕМАСИ




1. Кўз қорачиғларининг ёруғликка реакциясини ва уйқу артериясининг пульсини текширинг;
2. Жабрланувчини қорнига оғдиринг;
3. Жабрланувчининг кўкрагига прекардиал зарба беринг;
4. Юракни ҳаракатлантириш учун уни массаж қилинг;
5. Жабрланувчига икки-уч марта сунъий ҳаво юборинг;
6. Биринчи бор — 15 маротаба юракни массаж қилиш, икки маротаба сунъий ҳаво юбориш, агар ёнингизда ёрдамчилар бўлса 5 маротаба юракни массаж қилиш ва икки маротаба сунъий нафас юбориш;
7. «Тез ёрдам» чақириш чораларини кўринг ва тез ёрдам келгунга қадар жабрланувчини жонлантириш чораларини кўринг.



## ЙТҲ ҲОЛАТИДА ЁРДАМ КўРСАТИШ СХЕМАСИ

Ҳушига келганда:

1. Қон кетганда жгут қўйиб, қўйилган вақтни қайд қилиш;
2. Ярага бандаж қўйиш;
3. Оғриқсизлаштириш;
4. Қўл-оёқларнинг синиш ҳолатларида шиналар қўйиш.



**Тошкент - 2024 йил**

